60999

## Da`vat

**Тарбия икки негизга – аҳлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим: биринчиси – яхши фазилатни ўстирса, иккинчиси ўзгалар иллатидан ҳимоя қилади.**

**Никола ШАМФОР**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 31 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 26 (7119)

## Ibrat

**Чиноз туманидаги 25-мактаб жамоасига бу йилги Наврўз қувончли келди. Муборак айём кунлари бу ерлик ўқувчилар учун 422 ўринли янги, шинам мактаб биноси фойдаланишга топширилди.**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ислом Олимович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Ўздавсувхўжаликназорат») ни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.**

**• Токиодаги «Империал» меҳмонхонасида Президентимиз Ислом Каримовнинг Японияда чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**• Москва марказидаги энг йирик савдо дўкони — «Болалар дунёси» универмагида ҳам тўла-тўкис ўрганилмаган сабабларга кўра ёнғин чиққан.**

**• Канада Бош вазири Жан Кретьен мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари НАТОнинг Югославияга қарши ўтказаётган ҳарбий тадбирида иштирок этаётганини маълум қилди.**

**• Ғоитидан хуфя йўллар орқали чиқиб, АҚШда ноқонуний яшаш истагида юрган муҳожирларни олиб кетаётган кема Багам ороллари яқинида чўкиб кетди, натижада юзга яқин киши ҳалок бўлди.**

# Ислом КАРИМОВ: МИЛЛАТ ҚУДРАТИ – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, жамият ҳаётида адолат устуворлигига эришиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш ўзини шу азиз Ватан фарзанди деб биладиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу муҳим, айтиш мумкинки, ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм воҳаси ўзининг қадимий тарихи, ноёб маданияти, нафис санъати, юксак маърифати, доно фалсафаси ва инсонпарварлиги билан маълум ва машҳурдир, деди Президент.

Хоразм вилояти заминида камол топган алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ўзбекистонимиз шон-шуҳратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб улуғ инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хива шаҳри тарихи билан боғлиқдир. Бу гўзал шаҳримизнинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонлангани бу ўлка шуҳратини яна бир бор оламга тараннум этди, десак асло муболаға бўлмас.

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Буюк аждодларимизнинг пок руҳи ва ўгитлари ўтиш даври оғирлигини енгишда барчамизга таянч ва мадад бермоқда.

Бугунги кунда юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг ёруғ келажагини яратишда, олдимизда турган муҳим вазифаларни амалга оширишда Хоразм вилоятининг меҳнаткаш, бағрикенг, фидойи халқи ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларига чуқур ҳурматини изҳор этар экан, олдин ҳам кўп бор билдирган фикримни-ишончимни яна бир марта такроран айтмоқчиман: азал-азалдан мана шундай ўта мураккаб табиат шароитида ўз анъаналари ва маданиятига суянган хоразмлик миришкорлар деҳқончилик ва бунёдкорлик соҳаларида узоқ ва яқин орада ўзларига муносиб обрўларини сақлаб келмоқдалар, дея таъкидлади.

Вилоятда кейинги уч йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14 фоиз ортди. Иқтисодий жиҳатдан бюджет кўрсаткичларини йил сайин ошириб бажариш таъминланмоқда. Пул эмиссияси ҳажми 21 фоиз пасайган.

Капитал маблағларни ўзлаштириш режага нисбатан икки марта ортди. Ишлаб чиқариш қудратини кенгайтириш соҳасида кўплаб ижтимоий, маданий объектлар, иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Лекин вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бугунги йиғилишимиздан мақсад, деди Президент, иқтисодиётимизда, умуман, ҳаётимизда эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритиш эмас, асосан вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, йўл қўйилган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, шу азиз юртда яшаётган халқнинг оғирини енгил қилиш масалаларини муҳокама этишдан иборатдир.

Шуни афсусланиб қайд этмоқчиманки, охирги вақтда бошқа вилоятларга ўхшаб Хоразм воҳасида ҳам баъзи раҳбарларнинг фаолиятида ўз шахсий манфаатини хизмат бурчидан устун қўйиш, кадрларни танлашда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилмоқда, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга масъулиятсизларча ёндошиш, ўзибўларчилик каби ҳолатлар содир бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида халқ хўжалигининг барча соҳаларига, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир неча йил илгари вилоятда салмоқли корхоналардан ҳисобланган «Хоразм ипаги», «Қурилиш материаллари» каби акционерлик жамиятларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг 10-20 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Баъзи корхоналар эса умуман тўхтаб қолган. Вилоятдаги 25 та корхонада 1997 йилга нисбатан 500 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулотлари кам ишлаб чиқарилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 9,5 миллиард сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 3 маротаба ошган.

Кредиторлик қарзлари эса 10,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 2,0 миллиард сўми муддати ўтган қарзлардир. 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра омборларда туриб қолган маҳсулот қиймати 4,0 миллиард сўмни ташкил қилган. Шу даврда солиқлар бўйича тўланмаган маблағ бир миллиард сўмдан ошиб кетган.

Юзага келган бундай аҳвол бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақининг кечиктириб берилишига ва одамларнинг норозилигига олиб келмоқда. Ана шундай вазиятда ҳам бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий база яратилган бўлишига қарамасдан, вилоятда бу борадаги ислоҳотлар жуда суст бормоқда. Мулкдорлар синфини шакллантириш, пай асосидаги янги ширкатларни ташкил этишга етарли эътибор йўқ.

Деҳқонни ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, ҳар бир жамоа аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб, хўжалик ерларини уларга ижарага бериш, деҳқон ва фермерларнинг билимини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ишлари ҳам қониқарсиз ташкил қилинган.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳокимларда ва бошқа мутассади раҳбарларда тадбиркорлик, изланувчанлик етишмаслиги, иш тўғри ташкил этилмагани сабабли ўтган йили вилоятда пахта етиштириш режаси барбод бўлди. Айниқса, бу соҳада йўл қўйилаётган кўзбўямачилик, сохтакорлик, қўшиб ёзиш каби эски иллатларга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Кейинги пайтларда вилоятда ана шундай кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режани бажариш, шон-шуҳрат қозониш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Пала-партиш иш юритиш, ортиқча харажатлар қилиш натижасида хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи ошиб кетмоқда.

1998 йилни мавжуд 128 хўжаликнинг 70 фоизи 2,0 миллиард сўм зарар билан якунлагани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Вилоят молия ва банк тизими фаолияти таҳлил қилинганда, бу соҳада ҳам тартибсизлик, қонунбузарлик ҳолатлари авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Ўтган йил мобайнида Молия вазирлигининг вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 350 та бюджет ташкилотларида текшириш ўтказилди. Бу ташкилотларнинг ярмидан кўпида 16 миллион сўм маблағ ғайриқонуний равишда сарф қилингани аниқланиб, 84 нафар моддий жавобгар шахс устидан тафтиш ҳужжатлари тузилди ва маъмурий органларга топширилди.

Бюджет маблағларини сарфлашда соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш каби устувор йўналишларни биринчи навбатда таъминлаш ўрнига маблағлар бошқа соҳаларга ишлатиб юборилган.

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан вилоят ички ишлар бошқармасига, вилоят ҳокимлиги котибият мудирига ва бошқа бир қатор ташкилотларга бюджет ҳисобидан 21 миллион сўмлик 15 дона енгил автомашина олиб берилган. Янгибозор туманида эса ҳокимлик биноси таъмири учун кўзда тутилганидан 5 марта кўп маблағ сарфланган.

Хонқа тумани ҳокимлиги ихтиёрида 7 та турли русумдаги автомашина бўлишига қарамасдан, туман ҳокими (К.Ортиқов) салкам тўрт миллион сўм бюджет маблағи ҳисобига чет элда ишлаб чиқарилган «жип» русумли хизмат автомашинаси сотиб олган. Бу қанақа бойваччалик?

Вилоятда нодавлат мулк шаклига мансуб ташкилотларни, кичик ва ўрта бизнес соҳаларини ривожлантиришга эътиборсизлик билан ёндашиш оқибатида охирги икки йил давомида мингдан ортиқ ана шундай корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолган. Қолганларининг ҳам ҳозирги пайтда фақат 58 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятдаги давлат мулкига эга бўлган 175 та ҳиссадорлик жамиятларининг 45 таси бирор сўмлик ҳам акция сотмаган. Айрим туманларда «кимошди» савдолари ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. Хонқа, Ҳазорасп, Урганч, Шовот, Янгиариқ туманларида ўтган йили бирон марта ҳам «кимошди» савдолари ўтказилмаган.

Соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларидаги вазият ҳам ачинарли аҳволда. Мактабларнинг 96 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, 13 та мактаб биноси авария ҳолатида. Мактабларда турли фанлар бўйича 600 дан ортиқ ўқитувчи етишмайди. 200 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 112 тасида спорт заллари, 310 тасида эса компьютер синфлари йўқ.

Бундай аҳволда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур вилоятда қандай қилиб амалга оширилади?

(Давоми 2-бетда)

## Ўқитувчи ён дафтарига

### МАЙМУНЛАР СИНЧКОВ «ТОМОШАБИН»

**Нью - Йорк ҳайвонот боғи раҳбарияти кейинги вақтда кўп тўполон қилаётган маймунларни тинчлантиришнинг антиқа усулини ўйлаб топишди, яъни улар қафасига телевизор ўрнатишди. Қизиғи, бошда барча кўрсатувларни қолдирмай кўраверган янги томошабинлар эндиликда фақат бадиий фильмларни ва ҳайвонлар ҳақидаги кўрсатувларнигина томоша қилишмоқда.**

### ЎҚИШ МУДДАТИ ЧЕГАРАЛАНДИ

**Лотин Америкасидаги Сан-Маркос университети ректорати жиддий ташвишда. Боиси талабаларнинг бешдан бир қисми мунтазам равишда машғулотларга қатнашмас экан. Қарийб, 3 мингга яқин киши эса, 20 йилдан буён ҳали-ҳануз талаба ҳисобланиб келмоқда. Университет ректорати мазкур вазиятдан чиқиш учун бир курсда ўқиш муддати тўрт йил деб белгилаб қўйилиши хусусида қатъий бир хулосага келди.**

### 55 ЁШЛИ ЎҚУВЧИ

**Япониялик Иосио Кисима Тибо шаҳридаги технология институтини имтиёзли диплом билан тамомлади. Эътиборли жиҳати шундаки, Кисима салкам ярим аср тирикчилик ўтказгач, ўз саводини чиқарган ва 55 ёшида ўрта мактабни битирган эди. Бу тиришқоқ «толиби илм» ўша йилиёқ институтга кирди ва фақат «аъло» баҳоларга ўқиди.**

### ОТАЛАР МЕҲРИБОНРОҚ ЭКАН

**Болаларни калтаклаб туриш керакми ёки йўқми? Британиялик ота-оналар орасида «Нэйшнл Опинион Полл» хизмати томонидан тарқатилган ушбу саволга 90 фоиз ота - она «албатта, калтаклаш керак» деб жавоб қайтарганлар. Ажабланарлиси, савол- жавоб вақтида аёлларнинг эркакларга нисбатан баджаҳлроқ эканликлари намоён бўлган. Оталар оналарга нисбатан камроқ калтаклаш тарафдори бўлишган.**

## «Umid» qaldirg'ochlari

# ТОКИОДАН ТАЪТИЛГА

*Кўрган бошқа, эшитган бошқа.*

*Кўпчилигимизнинг Япония ҳақида билганларимиз тарихча. Бу мамлакатда ишлаб чиқарилган телевизор, магнитофон, холодильник, турли хил кийим-кечакларга ҳаммамиз харидор бўлгимиз келади. Чунки, уларнинг сифатига гап йўқ.*

*Биз нима учун Япония ҳақида гап бошладик?*

*Оҳорли либосдаги етти нафар талаба Тошкент аэропортига келиб қўнган самолётдан тушишди. Юзларида порлаган севинч соғинч туйғусини ошкора этиб тургандек эди. Бундай пайтда олис юртдан ўз ватанига ошиқиб қайтиб келган кишининг ҳам, кутиб олувчиларнинг ҳам юраклари энтикиб кетиши табиий.*

*Дарвоқе, 1997 йилда Токио шаҳридаги олий ўқув юртларида ўқиш бахтини қўлга киритган 9 нафар ўзбекистонлик талабалар бир ҳафталик таътилга келишди. Талаффуз этишга бизнинг тилимиз қийналадиган Чуо, Хитоцубаши, Кйо, Аояма, Мэджи каби университетлар ўзбек талабаларини ўз бағрига олгани катта шарафдир. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, Техника университетлари талабалари орасидан саралаб-саралаб олинган бу ёшлар ҳақида етиб келган маълумотлар ижобий: улар имтиҳонларни аъло ва яхши баҳоларга топширишган. Япон тилини биладилар. Энди навбат мутахассисликни пухта ўзлаштиришга! Улар яна 2-3 йилдан сўнг Ватанимизга қайтиб, Япония олий ўқув юртларида олган билимларини ҳаётга татбиқ этадилар. Улар яна шуни билишадики, ҳар бири учун 40 минг АҚШ доллари миқдорида Президент грантлари ажратилган. Грант – давлатимизнинг ғамхўрлиги. Буни тўла маънода ҳис этиш керак.*

*... «Умид» жамғармасига тўпланган бу талабалар чоғроққина йиғиннинг «айбдор»лари бўлишди. Уларнинг таассуротларини шундай умумлаштириш мумкин:*

*— Япония олий таълим тизими замонавий технологиялар билан таъминланган. Япон тилини ўрганиш имкониятлари жуда серқирра.*

*«Умид» жамғармаси маъмурияти бу талабалар билан ўзлари таҳсил олган ўқув даргоҳларида учрашув уюштиришни режалаштирган. Якшанбадан душанбага ўтар кечаси, улар яна Токиога учиб кетишади.*

**МУХБИРИМИЗ**

## Olimpiada – 99

# ИСТЕЪДОДИ СУЯК СУРАР БУ ЮРТНИНГ





Мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича Республика олимпиадаси ўзига хос синовлардан ҳисобланади. Шу боис, бу тадбир алоҳида эътиборда бўлади. Жараённи ота-оналар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари икки кун давомида синчковлик билан кузатиб турдилар. Хўш, бу йилги олимпиада ўтган йиллардагидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилди? Ўғил-қизлар қайси фанлардан энг юқори балл олишди? Қайси муаллим тажрибаси оммалаштиришга лойиқ? Хоразмлик ўқувчилар математика фанидан ҳар йилги нуфузини нега сақлаб қолишолмади? Шунингдек, олимпиада иштирокчиларининг айримлари тенгдошларига нисбатан жуда паст баллар олишди. Нега?

Олимпиада жараёнида шу тахлит саволларга жавоб топилди, десак янглишмаймиз. Тадбир аввалида, мутахассислар Тошкент шаҳри, Бухоро ва Наманган вилоятлари ўқувчилари совринли ўринларни эгаллашса керак, дея тахмин қилишган эди. Бироқ олимпиаданинг дастлабки қисми тахминларнинг унчалик тўғри, эмаслигини кўрсатди.

### ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ БЕРАДИ ВАТАН

Она тили ва адабиёти фани бўйича беллашувга ҳар йили энг иқтидорли болалар йиғилишади. Бу йил ҳам шундай бўлди, яъни бу гуруҳда 8 та лицей, 1 та гимназия ва 5 та оддий мактаб ўқувчилари ўзаро куч синашишди. Омад эса оддий қишлоқ мактаби - Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 33 - мактаб ўқувчиси Муқаддас Очиловага кулиб боқди. У 98 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Дилшод Ғозиев ва Наманган вилояти Уйчи туманидаги 1 - мактаб ўқувчиси Муяссар Саидазимоваларга эса иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

- Муқаддас тил, миллат, Ватан, ғурур каби тушунчаларни жуда яхши англайди, эъзозлайди, - деди Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси ходими Икром Юнусов, - Шу боисданми у тарихга, тилга оид адабиётларни мунтазам мутолаа қилади, изланади, тилимизнинг бетакрор жозибасидан ҳайратланади. Ҳайрат эса фикрлашга туртки беради. Дарҳақиқат бундай ўғил-қизлар, аввало, мустақил юрти билан фахрланади, ғурур туйғусини берадиган Ватанда яшаётганидан беҳад шодланади, бу тупроққа янада меҳр, муҳаббат қўяди ва шу тупроқдан куч-қувват олади.

(Давоми 3-бетда)

## Tashxis markazlarida

# ВАЗИФАЛАР АНИҚЛАНДИ

*Бугунги кунда республикамиз таълим тизимидаги энг долзарб масалалардан бири ёшларимизнинг XXI асрга нафақат билимли, зукко, тафаккурли, балки аниқ бир касб-ҳунарга эга бўлиб қадам қўйишларини таъминлашдир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари ҳам бизга фарзанд-ларимизни боғча ёшидан бошлаб 9 - синфни тугатишгача бўлган даврда ҳар йили тиббий - педагогик текширишлардан ўтказишимиз, уларнинг қобилияти ва касб-ҳунарга мойиллигини аниқлашимиз, шунингдек, битирувчи синф ўқувчиларига уларнинг қизиқишлари ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида ўқишни танлашда яқиндан ёрдам кўрсатишимиз, бу борада болаларга ва ота-оналарга психологик- педагогик маслаҳатлар беришимиз даркорлигини кўрсатмоқда.*

*Ана шу мақсадда мамлакатимизнинг барча туман, шаҳар ХТБ қошида ташкил этилган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик ташхис марказлари фаолият кўрсатаяпти. Ёшларни касб ҳунарга йўналтириш борасида илк қадамлар қўйилди. Улар нечоғли аниқ ва тўғри бўлмоқда? Бунда ташхис марказларининг ўрни қандай? Марказ ходимларининг асосий вазифалари нималардан иборат? Ташхис марказларига жойлардаги бошқарув органларининг эътибори-чи? Шу каби қатор саволларга яқинда Наманган вилоятида бўлиб ўтган республика амалий семинар-кенгашидан жавоблар изланганда ( «Маърифат» 19-20 сонлар). Чирчиқ шаҳрида республика «Истеъдод» маркази ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ташкил этган амалий семинар ҳам юқоридаги масалалар доирасида бўлиб ўтди.*

(Давоми 2-бетда)

(Боши 1- бетда)

# Ислом КАРИМОВ:
# МИЛЛАТ ҚУДРАТИ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Мен бир ҳақиқатни ҳар доим таъкидлайман: бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз—бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман, деб қайта-қайта айтганман.

Наҳотки, вилоят раҳбарлари ана шу сўзлар маъносини англамасалар, деди Ислом Каримов. Қани уларда ёшлар тарбиясига эътибор? Эртанги кунни, келажакни кимларнинг қўлига топширасизлар? Қани, айтингларчи, нимани ўйлаяпсизлар ўзи?

Вилоятнинг Урганч, Янгибозор, Қўшкўпир туманларидаги баъзи қишлоқ врачлик амбулаторияларида бирорта ҳам малакали врач ишламайди. Тиббий муассасаларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда. Болалар орасидаги тиббий-профилактика ишларининг аҳволи қониқарсиз ҳолатда.

Аҳолининг 35 фоизи, жумладан, қишлоқ аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмагани бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз ташкил этилганидан далолат беради. Ҳар бир туман, ташкилот, хўжалик раҳбарлари ҳанузгача бу соҳаларда қуруқ ваъдалардан нарига ўтмаяптилар.

Аҳолини иш билан таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари очиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмоқда. Вилоят аҳолиси йилига 24 минг кишига кўпайиб бораётганини эътиборга олсак, яқин кунларда ишсизлик вилоятда энг катта масалалардан бирига айланиши мумкин.

Аҳолининг барча қатламларида мафкуравий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни изчил равишда олиб бориш — бу замон талабидир.

Мен яна бир бор такрорлайман: **мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур,** дея таъкидлади давлатимиз раҳбари, **чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат йўлини йўқотиши муқаррар.**

Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам табиий.

Энг даҳшатли нарса — бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидир.

Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг «Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деган бир мақолини эслайлик. Худди шу каби маънавияти қашшоқ, ўзининг мустақил дунёқарашига, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай маккор ўз таъсирини ўтказа олади.

**Биз, ота-оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, ҳасад ва ёвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар.**

Бу сўзларнинг исботи ўтган йили Наманганда бўлиб ўтган, шу йилнинг 16 февралида Тошкентда содир бўлган мудҳиш воқеаларда яққол кўринади.

Ёшлар - бамисоли навниҳол, агар уларни тўғри ўстириб, парваришлаб вояга етказмасак, иймонсиз, ватанфуруш, ғаламис кимсалар уларни йўлдан оздиради. Бу кимсаларнинг кимлигини, уларнинг ғаразли мақсадларини ёшларга, бутун халқимизга тушунтириш раҳбарларнинг, фаолларнинг, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг вазифаси, бурчи эмасми?

Очиғини айтиш керакки, вилоятда бу соҳада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Аксарият маданият уйлари, кутубхоналар ишламайди. Улар давлатимиз ижтимоий-иқтисодий, ички ва ташқи сиёсатига оид китоблар, рисолалар, матбуот нашрлари билан таъминланмаган.

Вилоят газеталарида кундалик ҳаётимизда учрайдиган камчиликларни фош этишга, уқувсиз, лоқайд раҳбарларни танқид қилишга доир ва ёшлар тарбиясига бағишланган материаллар деярли учрамайди.

Вилоят телевидениесида ҳам одамларни қизиқтирадиган, улар диққатини жалб этадиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ. Вилоят телевидениеси бунинг ўрнига кўпроқ чет эл кинофильмларини ёки ҳоким жанобларининг 55 ёшга кирганини «тараннум» этувчи кўрсатувларни намойиш қилиш билан овора.

Наҳотки, бутун дунё тан олган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Замахшарий каби буюк алломаларимиз яшаб ўтган Хоразм заминида аҳвол шундай бўлса?!

Энг ачинарлиси, мафкура соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга юзаки қараш, ёшлар тарбияси ва уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлиш ёшлар орасида экстремистик диний оқимларга берилиш, гиёҳвандлик, турли жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

Вилоятда турли диний экстремизм оқимига мансуб шахслар пайдо бўлиб, улар томонидан жиноятлар содир этилмоқда. Бундай сохта, хилма-хил ниқоб остида пайдо бўлаётган оқимлар бизнинг аҳолимиз, асосан ҳали иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ёшларимиз — фарзандларимиз, оилаларимиз бошига катта бало бўлиб тушмоқда.

Шу муносабат билан яқин тарихимизни эслаб, таҳлил қиладиган бўлсак, ажиб бир ҳолатга дуч келамиз. Барчамизга маълум: ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси мамлакатда текинхўр, ишёқмас, таъмагир, босқинчи, товламачи кимсалар учраб туради.

Афсуски, бу нохуш ҳолат мавжудлигини дунёда ҳеч ким, ҳеч бир халқ ёки жамият инкор этолмайди.

Биров ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзғор тебратади, бола-чақа боқади. Чунки бундай одамларнинг қалбида иймони, диёнати, ор-номуси, охиратдан қўрқиш туйғуси бор, иродаси мустаҳкам. Аммо нопок йўллар билан, кимнингдир ризқини қийиб, одамларни қақшатиб бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олган қабиҳ ниятли кимсалар ҳам борки, улар учун бундай муқаддас тушунчалар мутлақо бегона.

Ёдингизда бўлса, 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларнинг бошида беқарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир даврда ҳар хил муттаҳамлар сиёсат майдонига чиқиб қолди. Сув лойқаланганда қўпик юзага чиққанидек, саёз фикрли, кибр-ҳаво кайфиятига берилган, енгил-елпи йўл билан сохта обрў орттиришни кўзлаган шуҳратпараст одамларнинг аслида ким бўлганини бугун халқимиз яхши билади. Бу ҳаракатлар бебош тўлқин каби дарёнинг чағир қирғоқларига урилиб, беиз ўтиб кетди. Чунки унинг мақсади фақат бузиш, емириш, бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон солишдан иборат бўлгани учун меҳнаткаш, андишали, бағрикенг халқимизни йўлдан оздира олмади.

Фалакнинг гардишини қарангки, ўз мақсадига етолмаган, йиқилса ҳам курашга тўймайдиган, кеча демократ телпагини кийиб юрган бу кимсалар бугун экстремистик ваҳҳобийлик оқими билан бирлашмоқда.

Шундан кейин бу мунофиқ шахсларнинг на демократлигига, на диндорлигига ишониб бўладими?! Ҳамма гап шундаки, шакл бошқача-ю, мақсад ўша-ўша, яъни нима қилиб бўлса ҳам амалга, мансабга эришиш! Ва ўз нопок мақсадларига эришиш учун барча ёвуз ниятлардан ҳам қайтмаслик.

Агар биз озгина бўлсада бепарволикка йўл қўйсак, бундай ёвуз интилишларнинг вақтида пайини қирқмасак, бу бало-қазо халқимиз бошига кўп-кўп кулфатлар келтириши мумкин, деди Президент. Февраль воқеалари бу фикрни тасдиқлаб турибди. Нима, «тоза ислом», «ислом софлиги учун» деган сохта шиорларни ниқоб қилиб олган бу кимсалар дини ислом макони бўлган юртимизда, дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларни берган халқимизга мусулмончиликни ўргатмоқчими?!

Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр «Астағфуруллоҳ!» дегинг келади.

Аслида асрлар давомида дини исломни ким-кимга ўргатиб келган? Мана шу муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиққан улуғ аждодимиз Маҳмуд аз-Замахшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун «Жоруллоҳ» - яъни «Оллоҳнинг қўшниси» деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган «Ал-Муфассал» китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади. Шу боис араб мутафаккирларидан бири: **«Оламдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек машҳур алломанинг ватанидир»**, деганида тўла ҳақлидир. Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаддас эътиқодимизга ёт бўлган турли зарарли, заҳарли таъсирларга берилиш ярашадими?

Энг ачинарли томони шундаки, ўз орамиздан чиққан бу кимсаларнинг орқасида катта маблағга эга бўлган, бизнинг юртимизни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турибди. Кечагина ўзини ҳақиқий, тоза демократ, деб атаган, динга ҳам, худога ҳам ишонмаган, ҳаром-ҳариш йўлда юрган, манфаатпарастлик ва мансабпарастлик касалига мубтало бўлган кимсалар ўша ёвуз кучларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўз Ватанига хиёнат қилмоқда. Бугун улар ўзаро бирлашиб, диний ақидапарастлик, «тоза ислом» ниқобига, либосига ўралиб, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган баъзи ёшларни йўлдан оздирмоқдалар. Ҳар қанча афсус билан айтмайлик, бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай «доҳий»ларнинг таъсири гирдобига тушаётган кимсалар ҳар қандай жиноят, ёвузликдан ўзини тиймайди.

Биргина мисол келтирайлик. Ўзини ваҳҳобий деб юрган Урганч шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси (бундай кимсаларни ўқитувчи дейишга ҳам тил бормайди!) С.Аллаёров уюшган жиноий гуруҳ сафида 1998 йил 4 декабрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманида фуқаро А.Мамадхўжаевнинг уйига қилинган босқинчиликда иштирок этиб, қотиллик содир этган. 18 декабрь куни эса Ҳазорасп темир йўл бекатида милиция ходимларига ўқ узиб, улардан бирининг ўлимига сабаб бўлган. Мана сизга бу шахсларнинг ҳақиқий башараси.

Мана шундай йўл билан қанчадан-қанча ёшларнинг ҳаётини хазон қилган, уларни йўлдан урган, оғир жиноятларга етаклаган кўпорувчилар ва уларнинг чет элларда ватангадо бўлиб юрган «доҳийлари» халқимиз, миллатимиз олдида ўз кирдикорлари учун жавоб бериши керакми, йўқми?! Албатта, улар ўз жиноий қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг 16 февраль воқеаларига муносабати хусусида тўхталар экан, Президентимиз Ислом Каримов шундай деди: Куни кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган бир мақолага кўзим тушди. Мақола муаллифи, Боёвут туманидаги қишлоқ мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси Муҳаббат Ўрозова шундай деб ёзади:

**«16 февраль воқеаларини таҳлил қиларканман, ҳамиша хаёлимга бир гап келади. Хунрезлик ижрочилари шунчаки нотавон ва разил югурдаклардир. Уларнинг ортида ватанида қадр топмаган ва қадр топиши гумон бўлган ватанфурушлар турибди. Бу ватанфурушларнинг ҳам ҳомийлари бор. Бу ҳомийлар итга суяк ташлагандай ватангадолар олдига суяк ташлаб, ўз ноғораларига ўйнатиш пайида бўлган кимсалардир».**

Мана сизларга оддий бир ўзбек аёлининг жуда лўнда ва тўғри фикри. Миллион-миллион юртдошларимизнинг дилидаги гапларни ифода этувчи фикр.

Муаллима ватанфурушларга қарата: **«Менинг ҳар бир ҳамқишлоғим эрта тонгда Оллоҳдан юртга тинчлик, фаровонлик тилар экан, сизларнинг маълум ва номаълум қиёфаларингизни кўз олдиларига келтиришиб, номингизга лаънатлар ёғдираётганини айтиб қўйишни ўз бурчим деб биламан»**, деб ёзади.

Келинглар, биродарлар, барчамиз ана шу муаллима аёлга қўшилиб, ўша машъум воқеаларнинг қайтарилмас тарих бўлиб қолишини Оллоҳдан сўрайлик.

Энди икки оғиз сўз вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ҳақида. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Вилоятда уюшган жиноятчилик, ўта оғир ва қасддан содир этилган жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Айниқса, қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг жиноятга қўл уриши — бу мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳол.

Афсуски, вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг бундай қилмишларига ҳанузгача чек қўйилмаяпти.

Ўтган йилда вилоят ички ишлар бошқармасининг 8 нафар, солиқ бошқармасининг 3 нафар ва божхона бошқармасининг 5 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Бу кимсаларнинг аксарияти мансабини суиистеъмол қилиш ва таъмагирлик билан боғлиқ жиноятлар содир этган. Жумладан, Питнак шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими милиция капитани Т.Мадримов 300 минг сўмга гиёҳванд модда сотаётган пайтида қўлга олинган. Унинг уйидан 26 килограмм афюн топилган. Гурлан тумани давлат солиқ инспекциясининг инспектори Б.Умаров «Комплекс-Гурлан» масъулияти чекланган жамият таъсисчиси К.Собировдан 150 минг сўм пора тариқасида олган, божхона инспектори Б.Абдуллаев ва Р.Бобожоновлар 1998 йилнинг 21 октябрь куни «Тошкент-Волгоград» поездида йўловчилардан юкларни божхона кўригидан ўтказмаслик эвазига 6 минг сўм пора олаётган пайтида ушланиб, ҳибсга олинган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Юртимизда, жумладан, Хоразм воҳасида яшаётган одамларнинг тақдирини ҳал қилишда, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида раҳбарларнинг ўрни ва таъсири беқиёс, дея таъкидлади Президент.

Бизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, нафақат масъулияти, балки раҳбарнинг фидойилиги, нафақат фидойилиги, балки раҳбарнинг инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга. Лекин барча раҳбарлар ҳам шу масъулиятни, халқ билдирган шу ишончни етарли даражада ҳис этяпти, деб бўладими?

Хоразм аҳлининг ажойиб шеваси, бетакрор санъати, ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларидан иборат бўлган, бир сўз билан айтганда, ўзига ғоят ярашадиган хоразмча бир муҳити бор. Бошқалар бунга катта ҳавас билан қарайди.

Мана, олайлик, сизларнинг «ёшулли» деган бир сўзингиз бор.

Содда қилиб ифодаласак, бу «ёши улуғ» дегани. Лекин унинг замирида теран бир маъно мужассамлигини, менимча, ҳамма ҳам тўлиқ тушунмайди. Бу сўз ёшидан қатъи назар, эл-юрт ҳурматини қозонган, ҳалол, иймон-инсофли кишиларга нисбатан айтилади.

**«Ёшулли» деган эҳтиромга сазовор бўлган одам шу номга муносиб бўлишга интилади, ўзида катта масъулият сезиб яшайди.**

Халқ бу сўзни кўпроқ раҳбарларга нисбат бериб ишлатади. Шундай экан, чинакам ёшулли бўлмоқни орзу қиладиган ҳар бир раҳбар адолат, қатъият, фидойилик, билимдонлик, ташкилотчилик мезонларига амал қилиб яшаши ва ишлаши зарур.

Бизнинг халқимизга хос бўлган улуғ бир хусусият борки, ўзбек миллатига мансуб одам ўз ҳаётини ватандан айри ҳолда асло тасаввур этолмайди, деди Йўлбошчимиз. Ўзбек тақдир тақозоси билан бошқа мамлакатларда, айтайлик, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия ёки Америкада истиқомат қилса ҳам, қалбида Ватан соғинчи, Ватан ҳасрати абадий яшайди.

Чет элдаги ватандошларимиз билан учрашганда мен уларнинг кўзида, сўзида бу ҳолатни кўп бор сезганман. Шунинг учун ҳам агар биров менга, туғилган юртидан чиқиб кетиб, ёт элларда ўзини чинакам бахтли деб ҳисоблайдиган бирорта хоразмлик бор деса, мен бу гапга асло ишонмайман. Хоразм халқ қўшиқларининг бирида: **«Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, Хоразмнинг янтоғича кўринмас»**, деган сўзларнинг борлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Мен Хоразмни аҳил бир оила деб биламан. Хонадоннинг ҳар бир аъзоси оиланинг доимий диққат-эътиборида бўлганидек, Хоразмда яшайдиган ҳеч бир одам ўз юриш-туришини, хатти-ҳаракатини эл кўзидан яширолмайди. Ҳаммаси ойнадагидек яққол кўриниб туради.

Чунки Хоразм аҳлига хос бетакрор ғурур туйғуси бор.

Хоразмликлар ўз заминига шундай қизғин меҳр қўйганки, кимда-ким ножўя ишлари билан бу эл шаънига доғ туширмоқчи бўлса, бу ерда яшайдиган ҳар бир инсон юрт эгаси, юрт оғаси сифатида ўзида катта масъулият сезади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, раҳбарларнинг фаолияти, уларнинг хусусиятлари ҳамиша эл назарида бўлади. **Ҳурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон - шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир.**

Бу юрт аҳлида андиша кучли, улар мулойим гапиради, бетгачопарлик қилмайди, лекин ҳар бир одамнинг раҳбар ҳақида ўз фикри, ўз баҳо ва хулосаси албатта бўлади.

Шунинг учун мен минг бор афсусланиб, куюниб, барака топкур раҳбарлар, сизлар учун айтмоқчиман: модомики, шундай экан, ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? Нафс балосидан, унинг гирдобига тушиб қолишдан ўзингизни тиймайсизлармi?

**Ахир, бу ўткинчи дунёда фақат яхши ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обрў-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш - ҳар бир инсон учун шараф эмасми?**

Афсуски, бугунги мажлисда мен мана шу аччиқ, оғир гапларни сизларга яна такроран айтишга мажбурман, деди Ислом Каримов.

Кўпчиликка бошчилик қилиш, етакчи бўлиш - бу ғоят масъулиятли, оғир иш. Амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар жараёни, маънавий-аҳлоқий муҳитнинг соғломлиги, албатта, аввалажбор биринчи раҳбарга, унинг ақл-идроки, виждони, билим ва маҳоратига боғлиқ.

Бугун шуни катта таассуф билан айтишим керакки, вилоят ҳокими Искандар Юсупов кўпгина ижобий ишлар қилгани билан бир қаторда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида ўзини йўқотиб қўйгани, атрофидаги яқинлари, ошна-оғайнилари, таниш-билишлари таъсирига тушгани, айниқса, кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Лекин бугун гап фақат Искандар Юсупов ҳақида бораётгани йўқ.

Буни яхши билиб қўйинглар. Гап вилоятдаги ижтимоий вазият, маънавий-ахлоқий муҳит ҳақида кетяпти. Вилоятдаги ҳокимларнинг, катта-кичик раҳбарларнинг обрўси ҳақида кетяпти. Ва шу раҳбарларга одамларнинг муносабати, ишончи, кишиларнинг шу камчиликлар туфайли вужудга келган кайфияти ҳақида кетяпти.

Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олдими, оёғи ердан узилдими, иймон-иродаси сусайдими — билингки, вилоятда ёки туманда муҳит бузилади. Одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, мишмишлар, шу билан бирга, ҳар хил уйдирмалар ҳам кучайиб кетади.

Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гуруҳбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат носоғлом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишимизга халақит берадиган тўсиққа айланиб қолади.

Бугун биз бундай нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатнинг олдини олиш, вилоятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида тегишли чора ва ташкилий масалаларни кўриб, зарур қарорларни қабул қилишимиз керак.

Хоразм тарихи инсоният ҳаётининг энг қадим даврлари маданиятини, маърифатини ўзида мужассам этган, деди давлатимиз раҳбари пировардида. Бу муқаддас замин тарихини биз 2700 йилдан зиёд деб биламиз. Энг мўътабар қадимги қўлёзмамиз «Авесто» мана шу ўлкада яратилгани ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

Бу йил биз Хоразм заминининг машҳур сиймолари - мардлик ва ватанпарварлик тимсоли Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейи, адабиётимизнинг ёрқин намояндаларидан бири, буюк шоир ва таржимон, тарихчи аллома Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик таваллуд тўйларини нафақат Хоразмда, балки бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз, иншоollo.

Ишончим комилки, ана шундай бой тарихнинг, маданиятнинг, деҳқончилик илмининг муносиб ворислари бўлган сиз, азиз хоразмликлар, бугунги йиғилишдан тўғри хулосалар чиқариб оласизлар. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кескин ўзгаришларга замин яратиб, Хоразм вилоятининг обрў-эътиборини кўтаришга, унинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнида муносиб ўрин олишига ўз ҳиссангизни қўшасизлар.

(ЎзА).

## ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИДАГИ ЯНГИЛИК

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида бугунги куннинг энг долзарб масалалари муҳокама этилди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ижроси асосан педагог кадрлар зиммасида эканлигини ҳар бир киши яхши англайди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги маърузаларида қўйилган талаблар асосида Навоий вилоятидаги мактабларнинг педагог кадрлар билан таъминланиши аҳволи тўғрисида»ги масала муҳокамасида айнан ушбу муаммо таҳлилга тортилди. Мазкур масала юзасидан кадрлар бошқармаси бошлиғи муовини Р. Тошматов ва Навоий вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Қ. Эргашевларнинг ахбороти тингланди.

Амалга оширилган ишлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ва вужудга келган муаммоларни бартараф этиш йўллари изланди, муҳокама этилди.

Ҳайъат йиғилишида «Умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар таълими ўқувчиларининг Республика олимпиадаси якунлари ҳақида»ги масала ҳам таҳлилга тортилди. Бу ҳақда РТМ директори Г. Алимованинг ахбороти тингланди.

Ҳайъат йиғилишида янгилик содир бўлди, десак хато бўлмайди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган ҳукумат, вазирлик қарорлари, дастурларининг ижроси мониторинги натижалари йил давомида ҳайъат мажлисларида муҳокама этиладиган бўлди. Мазкур ҳайъат мажлисида «Давлат таълим стандартлари ва талабларини ишлаб чиқиш, жорий этиш аҳволи ҳамда уларнинг синовдан ўтаётган давлат дастурлари билан мутаносиблиги тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Р.Аҳлиддиновнинг ахбороти тингланди.

Ҳайъат мажлиси муҳокама этилган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилди.

Ҳайъат мажлисини халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов бошқарди.

**Ҳ. ОМОНОВ**

## ВАЗИФАЛАР АНИҚЛАНДИ

(Боши 1 бетда)

Мазкур семинарнинг асосий мақсади Ташхис марказида педиатр - шифокор, дефектолог, амалий психолог ва касбга йўналтирувчи педагог мутахассислар лавозимида иш бошлаган ходимларнинг фаолияти, уларнинг асосий вазифалари билан таништириш эди. Ана шу мақсадда Чирчиқ шаҳрида вилоят халқ таълими, соғликни сақлаш бошқармалари, туман ва шаҳар ХТБ мудирлари, Ташхис марказлари раҳбарлари ва мутахассис ходимлар йиғилишди.

Семинар қатнашчилари дастлаб шаҳар Ташхис маркази фаолияти билан танишишди. Марказ раҳбари Мастура Шоакбарова йиғилганларга марказнинг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдаги ўрни, бу ерда ишлаётган ҳар бир ходимнинг асосий вазифалари, жойларда касбга йўналтириш хоналари қандай жиҳозланган бўлиши кераклиги ҳақида айтиб ўтди. Сўнг иштирокчилар эътиборига Ташхис марказининг зарурий ҳужжатлар рўйхати, шифокор, дефектолог-логопед, психолог ва касбга йўналтирувчи ходимларнинг методик бурчаклари, алоҳида деворий ойна шаклида тайёрланган Ташхис маркази ходимларининг йўриқномаси, узлуксиз таълим тизими ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш босқичлари, шунингдек, касб-ҳунарга йўналтирувчи кўргазмали қуроллар ҳавола этилди. Марказда ўзининг билими, савияси, малакасини кўтаришга, ўз устида доимий ишлашга оид махсус бурчак ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу бурчакда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг нашрлари, методик қўлланмалар жавонларга териб қўйилган. «Ташхис марказларида», «Мутахассис минбари» рукнларида чоп этилган мақолалар алоҳида буклетларга жамланган.

Шаҳар Ташхис маркази замонавий компьютер билан жиҳозланиб, бу ерда профессор Б.Қодиров ва мазкур марказ раҳбари М.Шоакбароваларнинг «Мактаб психологи фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда психологик хизматнинг турлари ва иш режасининг тузилмаси» мавзусидаги тавсияномаси, шунингдек, ногирон болаларни рўйхатга олишнинг янгича кодлаштирилган усули, ўқувчиларнинг касб танлаш мотивларини ўрганиш методикаси, ташхис маркази йўлланмаси, ота-оналарга, синф раҳбарларига тавсияномалар каби жами 9 та номдаги методик қўлланмалар тайёрланиб, семинар қатнашчиларига бир-бир нусхадан тақдим этилди.

Амалий семинар ташхис марказидаги шифокор, дефектолог, психолог ва касбга йўналтирувчи мутахассисларнинг намунавий хоналарида ўтказилди. Эстетик дид билан безатилган, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган махсус хоналарни меҳмонлар томоша қилишар экан, жойларда нимага эътибор бериш кераклиги, ўзларидаги ана шундай хоналарни қандай жиҳозлаш зарурлигини қайд этишди. Марказ психологи Мусаллам Нажимованинг таъкидлашича, «дефектолог хонасидаги 6 ёшли болаларнинг сенсорика, майда моторикасини аниқловчи биргина «дидактик тошбақа»нинг ўзи йиғилганларда қанчалик чуқур таассурот қолдирди. Ёки қўлга кийиладиган эртак қаҳрамонлари қиёфасидаги қўғирчоқларни олинг. Тасаввур қилинг, мактабга тайёрланаётган болани ўзимизга яқиндан жалб қилиш мақсадида у билан нотаниш мутахассис эмас, балки севимли эртак қаҳрамони мулоқотда бўлади. Психолог хонасининг уй шароитига мослашган ҳолда жиҳозланиши ҳам боланинг ўзини эркин ҳис қилиши, психологик «тўсиқ»дан осонликча ўтишига имкон яратади».

Семинар дастурига мувофиқ қатнашчилар нутқида нуқсони бор болаларнинг талаффузини ривожлантирувчи 8 - махсус боғча (мудири Мавлуда Шомахсудова), ақлан заиф болалар тарбияланаётган 23- махсус ёрдамчи мактаб (директори Гулнора Мамонтова), 1 - мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинати (директори Фарҳод Ҳусанов) ҳамда 2 - , 9- гимназиялар (директорлари Д.Йўлдошев, Э.Ларина) каби таълим-тарбия муассасаларида бўлишиб, логопед - дефектолог, психолог, касбга йўналтирувчи ҳамда шифокорларнинг амалий дарсларида иштирок этишди. Айниқса, 8 - боғчадаги нутқининг умумий ривожланиши етилмаган ёки тўхтаб қолган болалар гуруҳларида ўтказилган Г.Бурабихина, Е.Орлова сингари логопедларнинг очиқ дарслари, 23-мактабда эса, таълим жараёнининг меҳнатта боғланганлиги, бу ердаги дурадгорлик, чилангарлик, этикдўзлик устахоналари, тикувчилик синфидаги амалий дарс жараёни, 1-МЎИЧК да ўргатилаётган касблар, 2- гимназияда алоҳида ташкил этилган тиббиёт мажмуидаги қизлар учун мўлжалланган синфхоналар, тиббий ва гигиеник маслаҳатхоналардаги таълим маскани ҳамшираси Муҳаббат Мирмусаеванинг машғулотлари, 9 - гимназия психологлари Л.Ким ва Н.Фармоновалар ташкил этган ва ҳозирда фаолият юритаётган психологик хизмат турлари семинар иштирокчиларига манзур бўлди.

Кун ниҳоясида ташкил этилган умумий йиғилишда республика «Истеъдод» маркази директори Ботир Қодиров, вилоят ХТБ бошлиғи Олег Тожиев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри Раъно Ҳакимова, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг муовини Замира Шомадиева, шаҳар ХТБ мудири Саид Аҳмедов, Ташхис маркази раҳбари Мастура Шоакбарова ва бошқалар сўзга чиқиб, қатнашчилар саволларига жавоб бердилар. Йиғилишда ана шундай амалий семинарларни бошқа туман, шаҳарларда ҳам ҳар ойда ташкил этишга келишиб олинди.

**Нурлан УСМОНОВ, «Маърифат» мухбири**

Boshlang'ich ta'lim

## ЭЗГУЛИК — УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ

Баркамол авлодни вояга етказиш, буюк келажакни яратиш ишқида яшаётганимизга ҳам қисқа бўлса-да, маълум вақт ўтди. Бугун ҳар биримиз ўз фаолиятимизда шу вақтга тегишли ишларимизни сарҳисоб қилиб, келгуси режаларимизнинг муҳим жиҳатларини белгилаб олиш имконига эгамиз. Бу таълим тизими ходимлари учун, айниқса, муҳим масала бўлиб ҳар биримиздан уни ҳис этиш талаб қилинади. Таълим-тарбия беришда ибрат бўла олиш, боланинг ҳар қандай руҳий ва жисмоний хусусиятлари билан ҳисоблаша олиш, изланувчанлик ҳамда янгиликка ташналиқ асосий омил ҳисобланади.

Янги турдаги ўқув муассасаларини ташкил этиш, иқтидорлиларни саралаш ва рағбатлантириш каби ишларни бугун ҳамма ҳудудларда кузатиш мумкин. Лекин бу иш ҳар жойда ўзгача ёндашув ва ўзига хос тарзда йўлга қўйилган.

Узун туманида 1995 йил 3-гимназия ташкил этилганда кўпчилик эътиборини тортмаган эди. Ўша йилда 1-синфга 50 нафар ўқувчи танловсиз қабул қилингани ҳам шундан далолат берарди. Орадан уч йил ўтгач вазият кескин ўзгарди. Ота-оналар ҳам моҳиятни англаб етдилар. Бу ўқув йилида 300 га яқин даъвогардан 40 нафари танловдан муваффақиятли ўтиб 1-синфга қабул қилинди. Шунингдек, гимназия раҳбари Турсунали Ҳидиров бошчилигида таълим-тарбия ишлари ота-оналар, ҳомийлар ёрдами билан ва малакали мутахассислар иштирокида ташкил этилди.

Агар айнан мана шу кескин ўзгаришни кузатсак, айрим жиҳатларни илғаб олишимиз мумкин. Бу, аввало, гимназияга малакали, тажрибали ва изланувчан ўқитувчилар жалб этилганида намоён бўлади. Қолаверса, гимназия Халқ таълими вазирлиги ва ҳомий ташкилот «Ўзбтелеком» концерни ҳамда ички имкониятлардан келиб чиқиб техник воситалар билан тўла таъминланган. Бир синф «Правец» ва яна бир синф «Пентиум-2» компьютери мажмуи ўқувчилар хизматида.

Турли мавзулардаги тадбирлар ва уларда ҳар бир ўқувчининг фаол иштирокини таъминлаш, бола қобилиятини тўлароқ намоён қилишига имконият яратиш кабилар таълим-тарбия жараёнининг ажралмас қисмига айланган. Ўқитувчилар ва ўқувчилар «бўш вақт» деган иборани том маънода «ижодий дақиқалар»га айлантирганлар.

Гимназияда ўқиш ҳафтаси Ўзбекистон мадҳияси янграши, Давлат байроғи кўтарилиши билан бошланишидан ҳам маънавият-маърифат ишлари нақадар йўлга қўйилганини билиш мумкин.

Умуман, жамоада Ўзбекистон Давлат байроғи, герби, мадҳияси қабул қилинган кунлар, Билимлар куни, Мустақиллик ва Наврўз байрамлари ҳамда «Ўзига хос кўргазмали қуроллар», «Ижодкор ўқитувчи» каби тадбирлар ўтказилиши ижодий жараён давр билан ҳамнафас эканлигидан дарак беради.

**Ф. КАРИМОВ**

